Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 12 (6. 801) 1989 йил 14 январь, шанба Баҳоси 3 тийин

ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАН

СССР халқ депутатлари сайлови КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб чиққан мамлакат сиёсий системасининг кенг қамровли ислоҳотини амалга ошириш йўлидаги дастлабки амалий қадамлардан бири бўлади. Бутун мамлакатда бўлгани каби, Ўзбекистонда «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилмоқда. Меҳнат коллективлари йиғилишларида, истиқомат жойларидаги йиғилишларда ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, совет зиёлиларининг энг муносиб вакиллари номзоди кўрсатилмоқда.

13 январда республикада СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарликка бағишланган Ягона сиёсий кун ўтказилди. Қайта қуришда меҳнат коллективларининг роли, халқ депутатлари Советларининг вазифалари, миллатлараро муносабатларни ривожлантириш тўғрисида қизиқиш билан гаплашиб олинди. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил январь Пленумида қабул қилинган партияга, совет халқига КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси меҳнаткашларда катта қизиқиш уйғотганлиги таъкидлаб ўтилди. Сўзга чиққан кишилар социалистик демократияни янада ривожлантиришнинг, ижтимоий-сиёсий турмушда ва бошқарувда ҳар бир кишининг фаол иштирок этишининг, чинакам халқ ҳокимиятини қарор топтиришнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Ягона сиёсий кунда меҳнат коллективлари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, совет ва жамоат ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва аъзолигига кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

# ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА

## *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг*

# *МУРОЖААТНОМАСИ*

## *КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1989 йил 10 январда қабул қилинган*

Азиз ўртоқлар!

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси қарорига мувофиқ, 1989 йил март ойида СССР халқ депутатлари сайлови бўлади.

Халқ иродаси билан халқ депутатлари съезди тузилади, давлат органларининг янги системаси ишлай бошлайди, сиёсий ислоҳотнинг бутун ҳокимият — Советларга, деган асосий ғояси рўёбга чиқарила бошлайди. Бу — совет жамиятини революцион тарзда янгилаш йўлида катта босқич бўлади.

КПСС Марказий Комитети сайлов олдидан қайта қуришнинг дастлабки йилларига якун ясаб, партиянинг яқин келажакдаги сиёсатининг асосий йўналишларини халққа баён қилиб беришни зарур, деб ҳисоблайди.

Шу йиллар давомида мамлакат ҳаётидаги кескин бурилиш, экономика, сиёсат ва маънавий соҳадаги турғунликдан соғлом кучларни қайта тиклаш, уларга эркинлик бериш сари, эски ақидалар асирлигидан қутилиб, янги ленинча революцион мазмунга эга бўлган социалистик ғоянинг ўзини янгилаш сари бурилиш реалликка айланди. Бу бурилишни 1985 йил апрелида партия бошлаб берди ва унга бошчилик қилди.

КПСС XXVII съезди янгиланишга қудратли омил бахш этди. Партия ҳақиқатга тик боқиб, мамлакатдаги аҳволни танқидий идрок этди, қайта қуришнинг яхлит программасини, амалий ҳаракатлар стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқди. Съезд олға сурган ғоялар халқнинг орзу ва умидларини ифодалади, халқ томонидан зўр қатъият билан қўллаб-қувватланди.

Жамиятдаги бутун муҳит қанчалик ўзгарганлигини сезмаган одам топилмаса керак. Одамлар қайта қуришни юксакликка кўтармоқдалар, қайта қуриш эса одамларни кўтармоқда. Етилган масалалар, ишни қандай қилиб ўнглаб олиш ҳамма жойда ошкора ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинмоқда. Бўшашувчилик ва социал лоқайдлик ўрнини гражданлар активлиги, ташаббускорлик ва дадил изланишлар эгалламоқда.

Экономикада катта ўзгаришлар юз бермоқда ва авж олиб бормоқда. Хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, кооперация ва ижара, социалистик мулкчиликнинг хилма-хил шакллари турмушга кириб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси меҳнаткашларда омилкорликни, соҳиблик туйғусини ривожлантирмоқда. Хом хаёлга берилиш мумкин эмас, албатта: белгиланган ва зарур ишларнинг ҳаммаси ҳам уддаланганн йўқ. Аммо ижобий силжишлар яққол бўлиб қолди. Миллий даромад ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари яхшиланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ортиб бормоқда. Мамлакат халқ хўжалигининг социал йўналиши тобора кучаймоқда. Бунинг натижасида кризисга юз тутиш тўхтатилди, юксалиш нишоналари пайдо бўлди.

Қайта қуриш муваффақиятини нима гарантиялайди ва уни нима муқаррар қилади? Партиянинг ишончи комил: инсон қайта қуришнинг асосий иштирокчиси бўлган тақдирдагина у муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун демократиялаш зарур, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорига мувофиқ амалга оширилаётган сиёсий ислоҳот демократиялашни чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.

Демократиялаш жараёнини партия ўзидан, жамиятнинг сиёсий авангарди сифатида ўз вазифаларини тағин ҳам аниқроқ белгилаб олишдан, масъулиятни ошириш ва ўзини поклашдан, партиявийлик ва маънавий принципларга амал қилиш учун коммунистлардан талабни кучайтиришдан бошлади. Партия аппаратини қайта тузиш тугалланди, унинг сони анча қисқартирилди. Раҳбариятга янги кучлар келмоқда.

Янгиланган жамиятда янгиланган Коммунистик партия иш олиб бориши лозим — қайта қуришнинг мантиқи ана шундай. Партия кундалик хўжалик ишлари юкидан қутилиб, бутун куч-ғайратини социализм назариясининг, ички ва ташқи сиёсатнинг долзарб муаммоларини ишлаб чиқишга, омма орасида сиёсий, ташкилотчилик ва идеология ишларини олиб боришга қаратиш имкониятига эга бўлмоқда.

Ҳар бир совет кишисининг ақл-заковати ва туйғулари орқали ўтадиган қайта қуриш халқнинг маънавий турмушини мислсиз даражада юқори кўтарди. Биз ҳаммамиз қайта қуриш билан яшамоқдамиз. Биз ҳаммамиз кўп жиҳатдан бошқача бўлиб қолдик, ўтмишга, ҳозирги кунимизга ва келажакка янгича назар ташламоқдамиз, мақсадларни ва уларга эришиш йўлларини ҳам янгича кўрмоқдамиз. Таълим ислоҳ қилинмоқда, фан қаддини ростламоқда, маданий турмуш бой ва ёрқин бўлиб бормоқда. Матбуотдаги мақолаларнинг, телевизион программалар ва радиоэшиттиришларнинг ижтимоий таъсири сезиларли даражада ошди. Улар ошкораликнинг, фикрлар хилма-хиллигининг кенг минбари бўлиб қолди.

Ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар иттифоқи қайта қуриш давомида сермазмун бўлиб бормоқда, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг таъсири кучаймоқда. Демократиялаш жараёни миллатлараро муносабатларни ҳам тобора чуқурроқ қамраб олмоқда, бу соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш учун шароит яратилмоқда, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг Октябрь туфайли вужудга келган иттифоқи янги мазмун билан тўлиб бормоқда, бу иттифоқ ана шу миллатлар ва элатлардан ҳар бирининг ва бутун мамлакатнинг туб манфаатларига мос келади.

Совет жамияти ички турмушидаги чуқур ўзгаришлар ташқи сиёсатимиздаги характери жиҳатидан революцион ўзгаришлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Амалий ишларда мужассамлашаётган янги сиёсий тафаккур энг мураккаб халқаро муаммоларни амалий ҳал қилишнинг негизи бўлиб қолди. Совет ташаббуслари туфайли дунё хавфсизроқ бўлиб қолаётганлигини, бир-бирига шубҳа билан қараш ўз ўрнини ишонч ва ҳамкорликка бўшатиб бераётганлигини ҳар бир соф виждонли киши кўриб турибди.

Қайта қуриш бирдан-бир тўғри йўл эканлигини апрелдан кейинги тажриба рад этиб бўлмайдиган даражада кўрсатмоқда. Бизнинг бошқа йўлимиз йўқ. Биз бу йўлдан қатъият билан бораверамиз, ижобий изланишни давом эттиравераммиз. Ўзгартишларнинг кенг кўламли режаларини сабот билан амалга ошираверамиз, олға томон ҳаракатни жадаллаштираверамиз.

Мана шу йўл жўн бўлиши мумкинми? Албатта, жўн бўлмайди , айниқса бошланишида жўн бўлмайди. Янгилаш жараёни мураккаб ва зиддиятли эканлигини, қайта қуриш келтириб чиқарган, жамият машаққат чекиб кутаётган ишлар ҳали тўла-тўкис рўёбга чиқарилмаётганини партия кўриб турибди. Бир қанча соҳаларда, шу жумладан социал соҳада олға силжиш бўлмаяпти. Амалга оширилаётган ислоҳот баъзан натижа бермаяпти. Бунинг учун масъулиятни партия ўз зиммасидан соқит қилмайди. У вазиятни сезгирлик билан баҳоламоқда. Қайта қуришга нималар тўсқинлик қилаётганлигини кўриб турибди. КПСС қийинчиликлар ва ғовларни енгиб ўтар экан, аввало, ўзига, коммунистларга нисбатан талабчанликни оширмоқда.

Халқимизнинг текин томоқни кутиш одати йўқ. Қайта қуришда бир четда кутиб ўтирувчилар, бегоналар ва иштирок этмайдиганлар бўлмаслиги керак. Куч-ғайратларимизни бирлаштирибгина муштарак мақсадларга эриша оламиз. Қайта қуриш бизнинг тақдиримиз, тарих бизга берган имкониятдир, бу имкониятни қўлдан бериб бўлмайди ва қўлдан берилмаслиги керак.

**Партия ўзининг сайловолди программаси билан мурожаат қилар экан, барча совет кишиларини ишонтириб айтадики, у бундан буён ҳам бутун кучини, коллектив фикрини ва коллектив иродасини жамиятимизни революцион янгилашга сарфлаб, қайта қуриш йўлидан оғишмай бораверади. Партия сизларнинг ҳар бирингиз белгиланган режаларни амалга оширишда фаол иштирок этишингизга умид қилади.**

Сайловчи ўртоқлар!

Қайта қуриш ғоясининг ўзи инсонга ғамхўрлик туфайли юзага келган, уни шу ғамхўрлик тақозо этган. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, турмушини яхшилаш — КПСС бутун социал-иқтисодий сиёсатининг ўзагидир. Халқнинг энг зарур эҳтиёжларини партия жуда яхши билади, тушунади, шу боисдан ҳам партия яқин йиллар ичидаёқ совет кишилари яхшироқ яшай бошлайдиган бўлишлари учун зўр бериб меҳнат қилмоқда.

Бу соҳада биз учун биринчи галдаги вазифалар нималардан иборат? Аввало, энг ўткир муаммо — озиқ-овқат муаммоси ҳал этилиши керак. Партия буни қишлоқ меҳнатчисини ердаги тўла ҳуқуқли хўжайинга айлантириш билан, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги мувозанатни тиклаш билан, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш билан боғлиқ, деб билмоқда. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленуми ҳозирги аграр сиёсатни амалга ошириш йўлларини кўриб чиқади. Кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тезроқ қондириш имконини беради, деб умид қиламиз.

Одамлар магазинларда юқори сифатли саноат моллари етарли бўлишини кутмоқдалар. Партия бундай моллар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш вазифасини ўртага қўйган. Енгил саноатни модернизациялаш учун катта маблағ ажратилмоқда. Индустриянинг ҳамма тармоқлари, шу жумладан мудофаа корхоналари халқнинг бевосита эҳтиёжлари учун ишлатилади, мудофаа корхоналари бир қисмининг профили ўзгартирилиб, граждан мақсадларига хизмат қилдирилади. Чет элларнинг ташкилотлари ва фирмалари жалб этилмоқда, юқори сифатли моллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо қилинмоқда.

Мамлакатда уй-жой масаласи нақадар кескин бўлиб турганини, кўп оилаларни, айниқса ёш оилаларни бу масала нақадар ташвишга солаётганини партия билади. Шу сабабли у ўртага қўйилган вазифани ҳал этиш — ҳар бир оилани 2000 йилгача алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилаверади. Келгуси беш йилликнинг охирига бориб, ҳар йили ишга тушириладиган янги уйлар бир ярим баравар кўпайтирилади, янги кварталарни фойдаланишга топшириш 3 миллионтага етказилади. Бунинг учун ҳамма имкониятлардан — давлат қурилишидан ҳам, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг иштирокидан ҳам, кооператив ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришдан ҳам, манфаатдор кишиларнинг, айниқса ёшларнинг ихтиёрий меҳнатидан ҳам фойдаланилади.

Кексаларнинг пири-бадавлатлиги жамиятнинг ҳам фаровонлигидир. Пенсиялар тўғрисида тайёрланаётган Қонун узоқ йиллар виждонан меҳнат қилиб, қарилик гаштини сураётганлар учун яхшироқ шароит яратиб беришга хизмат қилади. Пенсияларнинг миқдорини сезиларли равишда кўпайтириш, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар учун ягона пенсия таъминотини жорий қилиш, бутун пенсия таъминоти системасини такомиллаштириш мўлжалланмоқда.

Уй, оила, болалар деган тушунчалар ҳар биримизга азиз ва қадрлидир. Биз жамиятнинг оилага эътиборини, оилани мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғамхўрликни сусайтириш, болалар тарбияси учун масъулиятни ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Болаларга ёрдам кенгайтирилади — кам таъминланган оилаларга бериладиган нафақалар, оналарнинг бола парвариши учун ҳақ тўланадиган отпуска муддати кўпайтирилади, оилавий болалар уйлари барпо этилади.

Партия совет кишисининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиб, аҳолига медицина хизматини тубдан яхшилаш юзасидан катта қарорлар қабул қилди ва бу қарорларнинг бажарилишини ўзининг программавий вазифаларидан бири, деб билади.

КПСС совет кишиларининг экология вазияти кескинлашганлигидан хавотирлигига қўшилади, бу соҳада вужудга келаётган мураккаб муаммоларни ҳал этишга асосли равишда ёндашмоқда. Атроф-муҳитни соғломлаштириш ва муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш программаси ишлаб чиқилмоқда.

Самарали экономика — кучли социал сиёсатнинг пойдевори эканлиги маълум. Бизнинг экономикамиз чиқимдор ялпи ёндашувлардан халос бўла бошлади, инсон манфаатларига тобора кўпроқ хизмат қилмоқда.

Январдан бошлаб ишлаб чиқариш тармоқларининг ҳамма корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтди. Хўжалик механизмини созлаш ишлари давом этмоқда. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтилмоқда, планлаштириш, пул ва кредит билан таъминлаш қайта қурилмоқда.

Бироқ шуларга қарамай, экономика ҳозирча янгичасига ишлай бошлагани йўқ. Одамлар экономикани қайта қуриш натижаларини ҳали тўла-тўкис сезмадилар. Кўп иш қилиниши керак. Бу хусусда партиянинг аниқ-равшан ҳаракат плани бор. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, туб иқтисодий ислоҳот, даромадларнинг иш самарадорлигига ва сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилиши мана шу планнинг таркибий қисмларидир.

Ислоҳотлар йўлидан изчиллик билан бораётган партия иқтисодий воситалардан тор гуруҳбозлик, худбинлик мақсадлари йўлида, аҳолининг зарарига фойдаланиш, нарх ва фойдани сунъий равишда ошириб, меҳнаткашларни ўзгаларнинг уқувсизлиги ва ўзгаларнинг камчиликлари учун ҳақ тўлашга мажбур этиш йўлидаги уринишларга қаттиқ тўсиқ қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Биз турли-туман унумсиз чиқимларни, исрофгарчиликларни, халқ ресурсларини ўғирлаш, талон-торож қилишларни бутунлай тугатиш учун, хўжалик юритишда зарар кўришни бартараф этиш учун қатъият билан кураш бошлаганимиздагина социал сиёсат ҳам, экономика ҳам чинакамига самарадор бўлиб қолади. Ҳар бир сўмни меҳнат билан топмоқ керак. Ҳар бир киши, ҳар бир коллектив, бутун жамият ҳам ишлаб топилган маблағ ҳисобига яшайдиган бўлиши лозим. Йирик чора-тадбирларни, илғор ислоҳотларни ҳар бир кишининг масъулияти билан, онгли интизоми, ишга ижодий муносабати билан мустаҳкамлаш лозим.

**Партия актив социал программани — халқ хўжалигини сифат жиҳатидан янгилаш ва юксалтириш асосида совет кишиларининг фаровонлигини ошириш программасини рўёбга чиқариш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. У совет экономикаси жўшқинлик ва новаторлик касб этиши учун, фан-техника тараққиёти анча жадаллашиши учун, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб бораверишн учун бутун куч-ғайратни ишга солади.**

Ўртоқлар!

Совет ижтимоий тузуми меҳнаткаш халқ ҳокимияти шиори остида вужудга келган. Шундан кейинги тараққиётнинг нуқсони шу бўлдики, оддий инсон сиёсий ҳокимиятни амалда рўёбга чиқаришдан четлаштириб қўйилди. Қайта қуриш бундай аҳволни тубдан ўзгартирмоқда. Туб сиёсий ислоҳот халқнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш мақсадини кўзлайди. Бу соҳада биз XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларига қатъият билан риоя қилмоқдамиз.

СССР халқ депутатлари съездининг сайланиши сиёсий ислоҳотнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш учун имконият очади. Республика ва маҳаллий даражадаги Советларни қайта тузиш, уларнинг тўла ҳокимиятини таъминлаш лозим. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш тўғрисидаги Қонун шунга хизмат қилади. Бошқарув аппаратини Советлар назорати остидаги ва уларга ҳисоб берадиган эпчил, самарали аппарат қилиш муҳимдир. Бошқарувни демократиялаш, одамларнинг ижтимоий фаоллиги ва масъулияти — буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасига қайтилмаслигининг ишончли кафолотидир.

Халқ ҳокимиятини тиклаш ҳуқуқий давлатни барпо этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Келгусида суд ислоҳоти ўтказилади, ёшлар тўғрисида, матбуот ҳақида, виждон эркинлиги тўғрисида қонунлар ва турмушимизнинг энг муҳим жиҳатларига тааллуқли бошқа қонунлар қабул этилади. Мана шуларнинг ҳаммаси давлатнинг гражданлар олдидаги, гражданларнинг эса давлат олдидаги масъулиятини оширади, инсон ҳуқуқлари кафолотини, қонун олдида ҳамманинг тенглигини мустаҳкамлайди.

**Партия социалистик демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий турмушда ва бошқарувда ҳар бир кишини фаол қатнаштириш учун, ҳақиқий, тўлиқ халқ ҳокимиятининг тантана қилиши учун ҳамма чораларни кўради.**

Ўртоқлар!

Қайта қуриш кўп миллатли Иттифоқимизнинг барча халқлари муддаоларига мос келади. Партия миллий манфаатларга, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хослигига ҳамда қадр-қимматига ҳурмат билан қараш тарафдори эканини билдиради.

Адолатга, социалистик ютуқлар ва қадриятларга асосланган миллий қурилиш — муштарак ишимиз ва муштарак масъулиятимиздир. Фақат ўз республикаси учун, ўз халқи учун, айниқса бошқаларга зарар келтирган тарзда якка-якка ҳаракат қилинса, бу иш олға силжимайди. Муваффақият — ҳамкорликдадир, ҳар бир миллат ва элатнинг, ҳар бир республика ва бутун мамлакатнинг манфаатларини уйғунлаштиришдадир.

Партия ўзининг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларига асосланиб, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш соҳасида катта-катта тадбирларни ишлаб чиқмоқда. КПСС Марказий Комитетининг бўлғуси Пленуми шу соҳада яқин йилларда қилинадиган ишларнинг муфассал программасини қабул этади. Республикаларнинг ҳуқуқлари анча кенгайтирилади, уларнинг суверенитети мустаҳкамланади. Советларнинг янгиланган фаолияти орқали партия ўртага ташлаган: мустаҳкам иттифоқ — кучли марказ ва кучли республикалардир, деган принцип рўёбга чиқарилади.

Хўжалик ҳисоби республикаларнинг мустақиллиги ва ўзаро масъулиятини пишиқ-пухта негизга қўяди, идораларнинг буйруқбозлигига барҳам беради. Экономика ва социал соҳа, тил ва маданият, тарихий мероснинг, асрлар давомида ўз диёрида яшаб келган халқ учун шунчаки экология муҳити эмас, балки бешик ва маскан бўлган табиатни сақлаб қолишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасида ҳар бир республиканинг имкониятлари ортади.

Биз бирга бўлган тақдиримизда кучли эканлигимизга ҳозир ҳеч кимни ишонтиришга ҳожат йўқ. Бутун мамлакат, ҳар бир республика, ҳар бир совет оиласи Арманистоннинг мусибатини ўз мусибати, деб билди. Ҳар бир киши бу мусибатга ҳамдардлик билдириб, ёрдамга келди. Халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги, жипслик, интернационализм, бирдамлик — буюк ютуқлардир. Шу ютуқларни муқаддас билиб асраб, кўпайтираверамиз.

**Ҳамиша ва ҳар ишда партия ленинча миллий сиёсатни ўтказаверади, Советлар мамлакатидаги ҳар бир миллат ва элат яхшироқ яшаши учун, уларнинг миллий ўзига хослиги тўлиқроқ ва яққолроқ намоён бўлиши, қардошлик иттифоқимиз бадавлат ва бақувват бўлиши учун шароит яратаверади.**

Ўртоқлар!

Қайта қуриш давомида совет жамиятининг маънавий турмуши бойиб бормоқда. Одамларнинг онги қулф урмоқда, онгни шакллантиришга ёндашувларнинг ўзи ўзгармоқда. Шахсларнинг орасидаги фарқни йўқотиш ўрнига шахсий қобилиятлар намоён этилмоқда, ақл-идрок ва истеъдодлар мусобақаси йўлга қўйилмоқда; хўжакўрсин учун бўладиган якдиллик ўрнига фикрлар ва қарашларнинг кенг доираси юзага келиб, юксак мунозара маданияти қарор топмоқда; юқоридан бериладиган кўрсатмалар кучига умид боғлаш ўрнига одамлар билан кенг мулоқотда бўлиш, уларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда гражданларни қатнаштириш одат тусига кирмоқда.

Партия маънавий муҳитни соғломлаштириш учун бундан буён ҳам курашаверади, эзгу ҳис-туйғулар, адолат ва ҳақиқат, меҳр-оқибат ва қардошликни қарор топтиришга интилаверади. Биз икки ёқлама аҳлоққа биргаликда зарба беришимиз, жиноятчиликни, ичкиликбозликни, гиёҳвандликни, бошқа социал-маънавий маразларни таг-туби билан қўпориб ташлашимиз керак. Жамиятнинг маънавий поклиги ва улуғворлиги бутун халқнинг иши бўлиб қолмоқда.

Ёш авлодга тарбия ва таълим бериш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Бу — бир кунлик иш эмас ва биргина комсомолнинг иши эмас, албатта. Ёшларга нисбатан давлатнинг мунтазам сиёсати бўлиши керак. Бу сиёсатнинг мақсади йигит ва қизларга ҳаётда ўзига муносиб ўринни топиб олишда, ўз қобилиятлари ва истеъдодларини яхшироқ рўёбга чиқаришда, қайта қуришга фаолроқ киришишда ёрдам беришдан иборат.

Ўрта ва олий мактаб ислоҳотини охирига етказиш, ўқитишнинг сифат жиҳатидан янги типига, узлуксиз таълимга ўтишни таъминлаш лозим. Мактаб жамият олдида масъулдир, аммо жамият ҳам ўз келажаги вужудга келадиган мактаб олдида масъулдир. Ўқув юртларининг моддий базасини биргаликда мустаҳкамлайлик, таълимнинг ижтимоий нуфузини оширайлик, ўқитувчининг обрў-эътиборини улуғлайлик.

Совет фанини, айниқса фундаментал тадқиқотларни жадал ривожлантириш, социал ва табиий илмий фанларнинг амалдаги самарасини ошириш кун тартибида турибди. Сиёсат, экономика, бошқарув, экология соҳасидаги биронта йирик қарор илмий жиҳатдан жиддий асосланмай, олимларнинг холисона текширувидан ўтказилмай қабул қилинмаслиги керак.

КПСС бадиий ижодкорлик соҳасидаги самарали изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайверади, социал-маданий қурилишдаги «қолдиқ принципи»ни тугатаверади, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлиги ва масъулиятини, уларнинг ташкилотчилик ролини ошираверади.

**Партия қайта қуришнинг интеллектуал потенциалини кучайтиришни, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий фаол шахсни воямга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришни ўз бурчи, деб ҳисоблайди. КПСС жамиятимиз турмушида рўй-ростлик, ошкоралик, юксак инсонпарварлик идеаллари ва социализм қадриятлари изчиллик билан қарор топишининг тарафдоридир.**

Азиз ўртоқлар!

Янги сиёсий тафаккур асосида халқаро турмушнинг энг муҳим муаммоларига янгича, новаторларча ёндашувлар топилди. Носоғлом ва хатарли мухолифлик психологиясига ақл-идрок, холис ният, амалий мулоқот мантиғи қарама-қарши қўйилди. Халқаро кескинлик юмшай бошлади, дунё осойиштароқ ва хавфсизроқ бўлиб қолди. «Совуқ уруш» чекинмоқда, инсоният тарихнинг тинч даврига кириб бориши учун амалий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Совет — Америка шартномаси амалга оширилмоқда; СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисида битимга эришишнинг дурустгина истиқболлари бор.

Бизнинг қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни бир томонлама қисқартириш тўғрисидаги қароримиз қурол-яроғларнинг мана шу туркумларини ҳам кўп миқдорда ва мувозанатли чеклашга оид музокараларга кўмаклашиши шубҳасиз; химиявий қуролни ва уни ишлаб чиқарадиган базанинг ўзини тугатиш тўғрисидаги музокаралар муваффақиятли тугалланишига умид қилиш учун асослар бор.

Маҳаллий можароларни бартараф этиш сари бурилиш рўй бермоқда. Биз Афғонистон масаласини тезроқ ҳал этиш, совет қўшинларини Женева битимларига мувофиқ олиб чиқишни тугаллаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишларни қилаверамиз.

Бизнинг янги сиёсий тафаккурни қарор топтиришга қилган даъватимиз тобора кенг акс-садо бермоқда. Совет Иттифоқи замон амрига жавобан туб муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга чақирмоқда. Зўравонлик ҳуқуқи ўз ўрнини ҳуқуқ кучига, барча давлатларнинг қонуний манфаатлари сўзсиз ҳурмат қилинишига бўшатиб бериши керак.

Келгуси йилларда биз социалистик мамлакатлар билан, бутун дунё ҳамжамияти билан ҳамкорликда «совуқ уруш»ни батамом бартараф этишга, халқаро муносабатларнинг универсал принципи бўлмиш тинч-тотув яшашни қарор топтиришга, XX асрнинг жаҳоншумул муаммоларини ҳал этиш йўлида барча давлатларнинг уйғун, ўзаро фойдали алоқаларини ривожлантиришга, уларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга ҳаракат қилавериш ниятидамиз. Биз халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштиришга, қуролсизланиш ва ҳарбий ишлаб чиқаришни тинчлик изига ўтказиш ишида жиддий тараққиётга сабот билан интилаверамиз. Бу ишларнинг ҳаммаси мамлакатнинг мудофааси ва хавфсизлигига зарар етказмай қилинади. Бунга совет кишиларининг ишончи комил бўлаверсин.

**Партия ишонтириб айтадики: бизнинг ташқи сиёсатимиз бундан буён ҳам бош мақсадга — совет кишиларининг ҳозирги ва кейинги авлодлари учун тинч турмуш шароитларини таъминлашга ҳар томонлама хизмат қилаверади.**

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли гражданлар!

Рўй бераётган ўзгартишларнинг миқёси ва теранлиги партия ўртага қўйган қайта қуриш программаси бутун халқнинг программаси бўлиб қолди, деб айтиш имконини беради. Бу программа ошкора умумпартия ва умумхалқ мунозараларида текширишдан ўтди ва қўллаб-қувватланди. Бизнинг йўлимиз тўғри. Биз ҳаракатимизга халақит бериш, жамиятни яна турғунлик ботқоғига ташлаш йўлидаги ҳар қандай уринишларни рад қиламиз. Биз шошма-шошарликка, авантюризмга, манфаатпарастликка қарши ҳам мана шундай қатъият билан курашаверамиз. Масъулиятли сиёсатнинг донолиги шундаки, тарих томонидан қайта қуриш учун ажратилган бирон кун зое ўтказилмайди, аммо реалликдан ажралиб ҳам қолинмайди. Бизнинг ҳаракатларимизда мақсадлар ва рўй бераётган воқеаларнинг миқёслари ҳамиша равшан тушуниб турилиши керак.

Бизнинг муаммоларимизни ўзимиздан бошқа ҳеч ким ҳал этиб бермайди. Ҳар бир киши қайта қуриш йўлида ишлар экан, ўзи учун, ўз оиласининг фароғати учун, Ватанимизнинг равнақи учун ишлаётганини тушуниб олиши муҳимдир. Қайта қуришни ҳимоя қилиш, энг муҳими эса уни зўр ғайрат билан муттасил илгари силжитиш керак. Биз ҳар қандай қийинчиликларни фақат ўзимиз, биргаликда, уюшқоқ куч-ғайратларимиз билан бартараф этиб, эзгу мақсадга эриша оламиз. Бунинг учун бизда ҳамма нарса бор.

Биз туб ўзгартишлар зарурлигига астойдил ишонамиз. Бундай ўзгартишларни амалга ошириш учун бизнинг коллектив сиёсий иродамиз бор. Қайта қуришнинг илмий назарияси ва сиёсати, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига татбиқ этиладиган амалий ҳаракатлар программаси бор. Ислоҳотларнинг муваффақияти учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар бор. Янги вазифаларни ҳал эта олиш, тарихнинг бурилиш паллаларида бутун масъулиятни зиммага ола билиш қобилиятини амалда исботлаб келаётган ленинчи партия бор. Ниҳоят, энг муҳими — буюк ишлар қилишга қодир бўлган буюк халқнинг ҳаракатга келган жўшқин бунёдкорлик куч-ғайрати бор.

**КПСС Марказий Комитети ишчилар синфига, деҳқонларга, барча меҳнаткашларга мурожаат этади.** Партиянинг ҳамма режалари халқ манфаатларига бўйсундирилган. Эртага турмуш қандай бўлиши, келгуси кун қандай натижа бериши шу режаларнинг бажарилишига боғлиқ. Бинобарин, мана шуларнинг ҳаммаси — халқнинг ўз қўлида. Сизларнинг меҳнатингиз, маҳоратингиз, социал фаоллигингиз ва ижтимоий позициянгиз муваффақиятнинг энг муҳим гаровидир. Ўзгартишларнинг фаол тарафдорларини, давлат нуқтаи назаридан, дадил, масъулият билан ва кенг миқёсда фикр юритадиган ва ҳаракат қиладиган кишиларни халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатингиз ва сайловда шу номзодларни қўллаб-қувватлангиз!

**КПСС Марказий Комитети совет зиёлиларига мурожаат этиб,** мамлакатнинг тақдири ҳал этилаётган пайтда ўз вазифаси юксаклигида бўлишга чақиради. Сизнинг сўзингиз, сизнинг фикрингиз халқ орасида нақадар зўр акс-садо беришини ёдда тутингиз. Тараққиёт йўлида фидокорлик билан меҳнат қилингиз, одамларни бирлаштирингиз, социализм қадриятларини, инсонпарварликни ва муносабат маданиятини юксалтириб ҳимоя қилингиз, шахсан олижаноблик ва жипслик намунасини кўрсатингиз.

**КПСС Марказий Комитети жамоат ташкилотларига** — касаба союзларига, Ленин комсомолига, кооператив ташкилотларга, хотин-қизлар кенгашларига, уруш ва меҳнат ветеранларининг, илмий ходимларнинг уюшмаларига, СССР ижодий союзларига, бошқа ташкилотларга **мурожаат этиб,** уларни қайта қуриш ғояларини қўллаб-қувватлашга, халқ манфаатлари ва социализм мақсадлари йўлида ижтимоий фаолиятни ва гражданлик ҳаракатини ривожлантиришга чақиради.

**КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партиясизларга, эркаклар ва хотин-қизларга, ветеранлар ва ёшларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига — барча гражданларга мурожаат этиб, партия платформаси асосида бирлашишга чақиради.**

**Бўлғуси СССР халқ депутатлари сайлови демократия мактаби, халқ тўла ҳокимияти тантанаси бўлиб қолсин!**

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

